

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИШЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

¹**Х.Х.Жабборов** – Ўзбекистон Республикаси Жамаот хавфсизлиги университети доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

²**О.Э.Эшмурадов**-Термиз давлат педагогика институти доценти в/б,
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация:Мазкур мақолада миллий тарбия масаласининг шарқ мутафаккирлари томонидан ўрганилиши, ёшларда ижобий фазилатларни тарбиялашни методологик жиҳатлари билан танишишингиз мумкин.

Таянч тушунчалар: тарбия, фазилат, ахлоқ, миллий тарбия, миллий характер, ғоя, мафкура.

Миллий тарбиямиз ота-оналарнинг гўдаклар билан жуда юмшоқ муносабатда бўлиш кераклигини тақозо қилади. Онахон ва отахонлар “Болани уч ёшга қадар фақат эркалатиш ва юмшоқ муомалада бўлиш керак, аксинча, қаттиқ гапирса бола ўжар ва қайсар бўлади”, дейишади. Кўпчилик замондош ота-оналарнинг фикрича ҳам, уч ёшга қадар болани ўз эркига кўйиш, унга фақат яхши гапириш керак, агар гўдак ёшида бола уриб-сўкилмаса, унга яхши муомала қилинса, бола катталарни гапини тинглайдиган, итоатли ва ювош бўлиб ўсади.

Умуман, бобо-мооларимиз ёш боланинг ўта таъсирчан, ҳистуйғуларга берилувчан бўлишини англаганлар. Шунинг учун уларга жуда юмшоқ муомалада бўлганлар, то эсини танимагунча кўнглини чўктирмасликка, синдирмасликка ҳаракат қилганлар. Демак, баджаҳллик, ўта қаттиққўллик ва ҳамма нарсага қатъий талаб қўйиб чегаралаш, гўдакларнинг маънавиятига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатишини ўз тажрибаларида кузатгандирлар. Ўзбекларнинг ёш гўдакларга эъзоз билан муносабатда бўлганликларини Марказий Осиё халқларини ўрганган кўп тадқиқотчилар ёзиб кетишган[1].

Тарбиянинг майин, меҳрли усуллари орқали инсон руҳиятида бағрикенглик, босиклик, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш каби хислатлар шакллантирилган. Ёш болаларга “подшо” каби эъзоз билан муносабатда бўлиш нафақат ўзбекларга, балки бутун шарқ халқларига хос хусусиятдир. Масалан, японлар ҳам ўзбеклар каби гўдакни иложи борича йиғлатмасликка ҳаракат қилишади. Айниқса, ўғил болаларни беш ёшга қадар сира ҳам тергашмайди[2].

Психологлар ва педиатр-шифокорларнинг тажрибасига кўра, уч ёшгача бўлган болаларнинг бир неча ой ота-она меҳри-муҳаббатидан маҳрум қилишнинг ўзи унга катта маънавий зарба бўлиб, унинг ақлий, ахлоқий ва ҳиссий ривожланишига жиддий зарар етказар экан. Айнан катталар билан мулоқотда гўдак нутқ ва фикрлаш кўникмаларини ўрганади. Гўдак ҳаётининг икки ёшга қадар бўлган давридаги ота-она билан мулоқот жараёнида шахснинг муҳим хусусиятларидан бири – яқинлик туйғуси тарбияланади[3].

Америкалик машҳур врач-педагог Бенжамин Спок ҳам гўдакларга ҳамма нарсадан ҳам ота-она муҳаббати керак, дейди[4]. Демак, яқинлик, самимий муҳаббат, ғамхўрлик гўдак руҳиятига жуда кучли таъсир кўрсатади ва кейинги тараққиётида, гўдакни жисмонан ва руҳан ижтимоий ҳаётга тайёрлайди.

Шарқ алломаларининг илмий меросида шахснинг камолотга етиши, соғлом шаклланиши, унга тўғри таълим-тарбия бериш, шунингдек, шахснинг соғлом хулқ-атвор фазилатларига эга бўлиб, эзгу ва соғлом ғоя ҳамда мафкура асосида ўз йўлидан адашмай ўз ҳаётини қуриши лозимлиги ҳақида жуда қимматли фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Унсурулмаолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларимизнинг асарларида ҳамда “Авесто” ва “Қуръон” каби муқаддас китобларимизда ҳам шахс камолоти, гўзал хулқли инсоннинг чиройли фазилатлари, эзгуликка ва бунёдкорликка йўғрилган ғоя ва мафкуралар асосида ёмондан, ёмон

ишлардан ҳазар қилиш, ёмон ишлар қилгувчиларни тўғри йўлга солиш, соғлом бўлмаган хулқ эгаларини замон, жамият ҳамда Оллоҳ кечирмаслиги боис, шахсни келажакда ҳар хил ёмон, ёвуз йўллар, бузғунчи фикр ва ғояларга чалинмаслиги учун баркамол қилиб тарбиялаш юзасидан қимматли фикрларни илгари сурганлар.

Кишилиқ жамиятининг кўп минг йиллик тарихи барча даврларда эзгулик ва бунёдкорликка етакловчи қарашлар, ғоя ва мафкуралар билан бир қаторда, уларга қарама-қарши бўлган, инсон ҳаётини издан чиқариш, жамият ва ижтимоий тизимларнинг емирилишига, таназзулга юз тутишига замин яратган бузғунчи ва вайронкор қарашлар, ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд бўлганидан далолат беради.

Бугунги янги давр ҳам мазкур тарбия масаласига, янги талабларни қўяётгани биз соҳа вақлларини доим диққат марказимизда бўлишига лозим. Зеро, шиддати вертуалашиш жараёни кучайтган бир даврда таълим-тарбия масаласига аниқ, илмий асосланга, қатъий талаблар билан ёндашиш жуда муҳим педагогик-психологик омиллардан бири ҳисобланади.

Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия, оила ва оилавий тарбия ҳамда комил инсон ҳақидаги қарашлари ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шарқ мутафаккирлари ижодида акс этган умуминсоний ғоялар исломий маънавият билан ҳамо-ҳангдир. Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида оила ва оилада фарзанд тарбияси масалаларига катта эътибор берганлар. Инсон ҳамиша одамлар қуршовида яшайди, ижтимоий муҳит шароитида унинг ақлий ривожланиши, фикрлаш қобилияти ривожлана боради. Бунда инсоннинг ақлий ривожланиши учун шароитлар бўлиши керак.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Алломаларимиз инсон томонидан борлиқни англаниши, табиат сирларини англашида илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Шарқ алломалар фикрича,

инсон танаси, мияси, сезги органлари у туғилганда мавжуд бўлган бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва ахлоқий сифатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи олам, ижтимоий муҳит таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараёнида шаклланади.

Шарқ мутафаккирлари Аҳмад ал Фарғоний, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Исмоил ал-Бухорий, Исо ат- Термизий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абдулкосим Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Нажмиддин Кубро Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, мулоқоти ва бошқа кўплаб қимматли маълумотларни қолдирганлар.

Педагогика тарихи қадимги замонлардан, ҳозирги кунгача бўлган турли хил даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назариясининг тарққиётини даврлар тараққиёти талаби асосида ўрганиб келади. Ҳар бир ижтимоий тузум унинг келажаги инсоният истиқболи, кишиларнинг турмуш даражасини фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Шарқ мутафаккирлари инсон камолотида илмлилик ва ахлоқлиликни энг муҳим мезони деб ҳисоблайди. Одоби, ахлоқи илимли бўлиш инсонга атрофдаги кишилар ўртасида муайян мавқе ҳамда ҳурматга сазовор бўлишга ёрдам беради. Шундай экан мутафаккирларимиз илм ва одобга эга бўлишнинг инсон ҳаётидаги ролини кўрсатиб берар экан, ёшларимизга буюк аждодларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд қилиб боришимиз мақсадга муофиқдир.

Марказий Осиё халқларининг шонли тарихидаги энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлган илк ўрта асрлар ҳақли равишда уйғониш даври деб аталади. Чунки бу даврдаги илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, фалсафий, диний фикрлар тараққиёти инсоният тафаккур хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб, асрлар мобайнида неча- неча авлодларимизни

Ўзининг сермазмунлиги, инсонпарварлиги билан хайратга солиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги мустақиллик шароитида ўтмиш аждодларимизнинг ғоялари, намунали ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръон»нинг «Зумар» сурасининг 9- оятида шундай дейилади: «Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар булурму?». Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насихат қила олулар.

Шарқ уйғониш даврида Марказий Осиё халқларининг фан ва маданияти янги шароит ва эҳтиёжлар асосида ривожлантирилди. Масалан, савдо ва ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш борасида қарвонларнинг кечалари чўлларда адашмай юришлари учун шарқ, ғарб, шимол, жануб томонларни билиш, юлдузлардан, яъни қутб юлдузидан йўлни аниқлаш каби эҳтиёжлар туғилди. Давр ва ижтимоий муҳит эҳтиёжлари негизида фалакиёт, математика, тиббиёт ҳамда ижтимоий фанлар ва қадриятларимиз ривожланди. Ижтимоий муҳитнинг шаклланиши ва ривожидида аждодларга хос олий, ўлмас қадриятларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Қадрият бу жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар, эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар қадрият ҳисобланади. Инсон бутун умри давомида, сон-саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Ана шу миллий қадриятларимиздан бири Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий муҳит ва таълим- тарбиянинг алоқадорлиги ҳақидаги қимматли фикрларидир.

Абу Наср Форобий (873 - 950) ўрта аср ижтимоий – фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим – тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машхур Юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган Форобийни йирик

мутафаккир – «Муаллимий соний» - «Иккинчи муаллим» деб атайдилар. Абу Наср Форобий (тўлиқ номи Абу Наср Мухаммад ибн Мухаммад ибн Узалик ибн Тархон ал-Форобий) хижрий 260 йил (милодий 873 йил) да Шош – Тошкентга яқин Фороб (Ўтрор) деган жойда харбий хизматчи оиласида туғилган. Форобий таълим тарбияга бағишланган асарларида таълим – тарбиянинг муҳумлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим – тарбия усуллари ва услуги ҳақида фикр юритади.

«Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо – ал - улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий – тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган. Форобий ахлоқий фазилатлар деганда билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юқори қўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатларни тушунади. Аммо бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам Форобий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Форобийнинг ахлоқни ҳулқ меъёрлари ифодаси сифатидагини эмас, балки кишиларнинг ақлий фаолиятининг натижаси сифатида ҳам талқин этганлигини кўраемиз.

Форобий инсон тарбияда камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг қўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, деб ҳисоблайди. Бунга таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади.

Демак, Форобий тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук баркамол инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. “Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия - назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир” дейди олим. Алломанинг таъкидлашича, «Таълим - деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасида туғма фазилат ва амалий касб-хунарсиз фазилатларини бирлаштириш деган сўздир. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарсиз, ўрганишидир”.

Форобий тарбия деганда билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтаринлик, кўпчилик манфаатини юқори кўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатларни тушунади. Аммо бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам Форобий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Форобийнинг ахлоқни хулқ меъёрлари ифодаси сифатидагина эмас, балки кишиларнинг ақлий фаолиятининг натижаси сифатида ҳам талқин этганлигини кўраемиз.

Форобийнинг тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл -таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиради, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-хунарсиз, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, дейди. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади, деб кўрсатади.

Форобий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-хунарларга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради. Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан таълим-тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади.

Форобий таълим-тарбия ишларини икки йўл билан амалга оширишни назарда тутди.

«Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-хунар) лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласи»га келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси - қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади. Иккинчи йўл (ёки усул) - мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шахарликлар ва бошқа сахройи халқларга нисбатан қўлланилади. Чунки ўз истакларича, сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўрганишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Касб-хунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиш бўлмаса, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шахар халқларига тарбия беришдан мақсад - уларни фазилат эгаси қилиш ва санъат аҳлларига айлантиришдир.

Демак, Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар иккала усул ҳам инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Маънавият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг ҳолати ва тараққиётига жуда кўп омиллар – сиёсат, иқтисод, фан, ахлоқ, санъат, урф-одат каби ҳодисалар таъсир етказади. Маънавий қадриятлар – булар кишилар маънавий фаолиятининг маҳсули, билишнинг мураккаб жараёни натижаси билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир. Маънавият жамият тараққиётининг муҳим омили бўлар экан, у нафақат бугунги маданий

бойликларга, кадриятларга замонавий, маънавий ютуқларга, шу билан бирга ҳар бир халқнинг кўп асрлик маънавий меросига ҳам таянади. Ҳар бир давр, халқ, миллатнинг маънавий кадриятлари табиийки, қуруқ, бўш ерда вужудга келмайди. Ҳар қандай маънавият, энг аввало, жамиятда аввал эришилган муайян билимлар, тажрибалар ҳамда ўтмиш авлодлардан бизгача етиб келган маънавий меросга, шунингдек, умуминсоний маънавий кадриятларга таянади.

Хулоса қилиб айтганда, Форобий педагогик таълимотнинг асосида комил инсонни шакллантириш, инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комилликка эришади, деган фалсафий қараши ётади.

Ибн Сино: “Агар ёмон хулқ одатга кириб қолса...” Буюк аллома Ибн Сино ҳам таълим-тарбия ва ахлоққа оид “Тадбир алманозил”, “Рисола фи илм ал-ахлоқ”, “Рисола фи ал-аҳд”, “Рисола фи тазкия ан-нафс”, “Сиёсат ал-бадан”, “Китоб ал-ансоф” каби асарлар яратган. Ибн Синонинг фикрича, бола тарбияси билан аввало оила, ота-она шуғулланмоғи лозим. “Бола ахлоқи шаклланишида, – дейди у, – эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати муҳим ўрин тутди. Бунинг учун оила аъзоларининг ҳар бирига маълум вазифалар юклатилган бўлиши керак”[5].

Ибн Сино бола хулқини мўътадилликда сақлашга катта эътибор беради. Унинг фикрича, бунинг учун ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга ва истамаган нарсасидан узоқлаштиришга тайёр туриш лозим. Ана шундагина бола ёшлиқдан яхши хулқли, эс-хуши расо бўлиб тарбияланади. Бундай тарбия усулини қўлламайдиган оилаларда болалар қизиққон, жаҳлдор, кўрқоқ ва нозик бўлиб ўсадилар.

Ибн Сино дейди: “агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли оздиради, ҳафсаласизлик нафсоний қувватни бўшаштириб, мижозни балғамликка мойил қилади. Хулқнинг мўътадиллиги натижасида, ҳам нафас,

хам бадан соғлом бўлади”[6]. Ибн Сино ахлоққа оид кўплаб муаммоларни одамнинг рухий ҳолати ва маънавий хоссаларининг ҳис-ҳаяжонли пайдо бўлиши асосида талқин этади.

Юқоридаги манбаларга асосланиб шуни айтишимиз керакки бизнинг мутафаккирларимиз яъни буюк бобокалонларимиз таълим-тарбияда биз учун жуда ката бойлик қолдирганлар. Мутафаккирларимиз тамонидан айтилган баркамол шахсни тарбиялашда аввало тарбия шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, таълим, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати ва энг муҳими бизнингча уни ижтимоий-психологк омилларини ўрганиш аҳамиятга эгадир.

Фикримизча баркамол шахсни тарбияшда таълим-тарбия жароёнида буюк алломаларимизнинг ўғитларидан фойдаланиши зарур, зеро ҳар бирининг таълимий-тарбиявий усуллари, тарбия назарияси ва амалиёти, таълим назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқаришда, фарзанд тарбиясида мутафаккирларимизнинг ҳар-бир асарлари ва фикрлари баркамол инсонни тарбиялашда миллийлик ва ўзига хос тарзда ажралиб туради. Шундай экан шарқ алломалри меъросидан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтганда тарбиянинг макони ва замони[7] бўлади ва биз шарқ мутафаккирларини тарбия бўйича олтинга тенг қарашларини бугунги замон ва маконга мослаштириб амалиётга татбиқ этишимиз мақсадга мувофиқ.

Тарбиянинг макон - алломаларимиз ёзган педагогик асарлар - ал-адаба китобларида ҳам улар ёзилган макон «кўриниб» туради. Бу табиий, чунки кўлингиздаги китобни ўқиган, ушбу китоб асосида ўтказиладиган тренингларда иштирок этган ота-оналар реал макон - туман, шаҳар ёки вилоятда яшайдилар. Ана шу маҳаллий хусусият акс этмаса, берилаётган тавсияларни қўллаш қийинлашади. Шундай бўлмаслиги учун мазкур тадқиқотни XXI асрдаги, Янги Ўзбекистон талабларидан келиб чиқиб ёзишга

харакат қилдик. Ҳозирги замон - сокин йиллар эмас. Глобаллашув, ҳаёт ўта тезлашган, тахликали, мураккаб замон.

Тарбиянинг замони - XXI аср илгари бобо-момоларимиз дуч келмаган тарбиявий вазифаларни, талабларни олдимизга қўймоқда. Замон талабларини сезмасдан, нукул бобо-момоларимиз билган нарсаларни такрорлаб яшайверсак, тарбиямиз замондан орқада қолади. Масалан, боламизга Интернетдан фойдаланишни ўргатиш учун уни аввал ўзимиз билишимиз керак. Ўзимиз билмасак, Poliglot, Skype дастурларидан фойдаланишга боламизни қандай қизиқтирамыз? Янги замон, глобаллашув бобо - момоларимиз билган удумларни ҳам, улар билмаган янги, замонавий тарбиявий билим ва технологияларни ҳам қўллашимизни талаб қилмоқда. Бунинг учун замонавий ота, замонавий она бўлишимиз талаб этилмоқда. Демак, модернизация ҳар биримизга, ҳар куни керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып. 3. – Ташкент, 1895. – С. 70.
2. Латишев И.А. Семейная жизнь японцев. – М.: Наука, 1985. – С. 92.
3. Мария Земска. Семья и личность ... – С. 75.
4. Спок Б. Ребенок и уход за ним. – М., 1971. – С. 34–35
5. Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 19.
6. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. –Б. 88–89.
7. Жабборов Хазрат Хусенович. [Yoshlarda milliy tarbiya shakllanishining psixologik qonuniyatlari](#). Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 1 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. SJIF 2021: 5.423.
8. Eshmurodov, O., & Fazliddinova, U. (2023). OILADAGI IJTIMOY PSIXOLOGIK MUHITNING BARQARORLIGI TA'MINLASHDA QAYNONA

VA KELIN MUNOSABATLARINING O'RNI . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8259>

9.Eshmurodov, O. (2023). OILAVIY MUNOSABATLAR BARQARORLASHSHUVIDA MILLIY QADRIYATLARINING AHAMIYATI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8238>

10.Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449>

11.Eshmurodov, O. (2022). ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7431>

12.Ashurova, S. (2023). SOG'LOM PSIXOLOGIK TURMUSH TARZI TO'G'RISIDAGI TASAVVURLARINING SHAKLLANISHI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8314>

13.Elamanovich, E. O. (2022). SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS AFFECTING THE UPBRINGING OF CHILDREN IN FAMILY RELATIONSHIPS. Science and Innovation, 1(4), 201-205.

14.Жабборов Хазрат Хусенович. [Психологические особенности идеологического влияния “массовой культуры” на человеческий разум.](#) СОЦИАЛЬНЫЙ ПСИХОЛОГ журнал для психологов. Основан в 2000 году в Ярославль. 2016 №2 (32). -С. 56-66.

15. Жабборов Хазрат Хусенович. [Yoshlarda milliy tarbiya shakllanishining psixologik qonuniyatlari.](#) Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural

16. Жабборов Хазрат Хусенович. [Ёшларда таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг таъсирчан психологик услублари](#). Таълим ва инновацион тадқиқотлар образование и инновационные. Халқаро илмий-методик журнал. Исследования education and innovative research. № 5, 2021 октябрь. - Б. 304-321.

17.Жабборов Хазрат Хусенович. [Влияние деструктивной «массовой культуры» на поведение и воспитание человека](#). Вестник интегративной психологии. Научный журнал. Выпуск 23/2021. Ярославль. - С. 109-111.

18. Жабборов Хазрат Хусенович. [The influence of psychological protective mechanisms in the formation of the ideological immunity in adolescents](#). EUROPEAN JOURNAL OF PSYCHOLOGICAL RESEARCH VOL. 4 No.1, 2017 ISSN 2057-4794.

19. Жабборов Хазрат Хусенович. [Миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик омиллари](#). Психология илмий журнали 2021 йил 3-сон. - Б.110-118.

20.Жабборов Хазрат Хусенович. [Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари](#). Pedagogik mahorat. Илмий-назарий ва методик журнал. Бухоро, №3/2018-й.-Б.106-111.

21.Жабборов Хазрат Хусенович. [Социально-психологические механизмы национального воспитания](#). Вестник интегративной психологии. Научный журнал. Выпуск 22/2021. Ярославль. С.48-51

22.Жабборов Хазрат Хусенович. [Стратегия реформы в обществе для обеспечения социальной, духовной и психологической безопасности в обществе](#). Вестник интегративной психологии. Научный журнал. Выпуск 21/2020.. Ярославль. С.100-104.

23.Жабборов Хазрат Хусенович. [Psychological factors of ideological immunity formation in adolescents](#). “Вестник интегративной психологии”. Научный журнал. - Ярославль, 2019. -№18.. - С.74-78.

24. Khazrat H. Jabborov. PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FACTORS IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION International Journal of Mechanical Engineering. ISSN: 0974-5823. Vol. 7 No. 2 February, 2022 –B 1838-1843. Scopusдаги ҳаволаси: <https://www.scopus.com/sourceid/21101016918>. Q4 ҳаволаси:

<https://www.scimagojr.com/journalsearch.php?q=21101016918&tip=sid&clean=0>.

Мақола ҳаволаси: https://kalaharijournals.com/resources/FebV7_I2_214.pdf

Журнал ҳаволаси: <https://kalaharijournals.com/ijme.php>

25.Х.Х. Jabborov. Ёшларда миллий тарбия шаклланишининг психологик қонуниятлари. Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal. VOLUME 2 | ISSUE 1 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. SJIF 2021: 5.423. <https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-1-209-219>.

26. Жабборов Хазрат Хусенович. Миллий тарбиянинг қадимий ва замонавий ижтимоий-психологик омиллари. Таълим ва инновацион тадқиқотлар образование и инновационные. Халқаро илмий-методик журнал.

ИССЛЕДОВАНИЯ EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH № 9, 2022 сентябр. Б. 270-283

27. Хазрат Хусенович Джабборов Социально-психологические индикаторы национального воспитания. Science and education scientific journal ISSN 2181-0842. Volume 3, Issue 3 . March 2022. Page 1082-1089.

<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/2883>

28. Kh.Kh. Jabborov. The study of the problem of national education by eastern thinkers. International Journal of Pedagogics (ISSN – 2771-2281) VOLUME 03 ISSUE 02 Pages: 14-20 SJIF IMPACT FACTOR (2021: 5. 705) (2022: 5. 705) (2023: 6. 676) OCLC – 1121105677/ Online Link:-

<http://theusajournals.com/index.php/ijp/article/view/765>

29.Eshmurodov, O. (2022). ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.

30.Norbosheva, M. (2023). ИГРА КАК СРЕДСТВО ОВЛАДЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8384>

31.Eshmurodov, O., & Abdullayeva, S. (2023). ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ И ВЫБОР ПРОФЕССИИ УЧАЩИМИСЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ ЗНАНИИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/838>